Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 121 (6. 012) • 1986 йил 27 май, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА СИФАТ—БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ

Янги буюмлар кўргазмаси

Яқинда «Тошкент»мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўргазмалар залида савдо ташкилотларига мебелларни улгуржи сотиш бўйича республика ярмаркаси бўлиб ўтди. Бу ярмаркада республикадаги 14 мебель корхонаси 70 хилга яқин буюмни намойиш қилди. Бу буюмларнинг кўпчилиги янги маҳсулотлардир.

Савдо ташкилотлари айниқса Олмалиқ мебель комбинатининг «Ятрань» корпусли мебели, «Минор» юмшоқ мебель наборларига қизиқиб қолдилар. Бу мебеллар ноёб кўринишга эга, чиройли ва замонавий.

Самарқанд мебель фабрикасининг «Самарқанд» мебель набори ҳам кўпчилик диққатини тортди. Бу мебелнинг текстура ва фурнитуралари жуда билиб танланган.

Бундан ташқари «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Шарқ» ётоқхона мебели, «Узбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Слава» корпусли мебели ҳам бежиримлиги, чиройли ва пишиқ ишланганлиги билан ҳозирги харидорларнинг талабига мос келади.

Бўлиб ўтган ярмарка республика мебелчилари КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб, маҳсулот сифатини яхшилаш, аҳолининг чиройли ва мустаҳкам мебелларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш йўлида тинмай изланаётганликларини кўрсатди.

В. ЗУФАРОВА,

«Узбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий-техника ахборот бўлими мудири.

Қурилиш майдонларида

Муддатидан илгари

— Қурилиш-монтаж ташкилотларининг қуввати етарли эмаслиги, қурилиш ишлари ёмон ташкил этилганлиги ҳамон энг катта проблема бўлиб қолмоқда. Иш вақтининг кўп қисми зое ўтаётганлиги, техникадан фойдаланиш даражаси пастлиги сурункали иллат бўлиб қолаётганлиги КПСС XXVII съезди материалларида алоҳида уқдириб ўтилди. Бундан тегишли хулоса чиқарган бригадамиз коллективи ўз ишида жадаллаштириш ва сифат масалаларига алоҳида эътибор бермоқда, — дейди бригада бошлиғи В. И. Коваленко.

«Главташкентстрой»нинг 153-трести 3-қурилиш бошқармасига қарашли бу бригада коллективи 24 кишидан ташкил топган. Қурувчилар ўтган квартал план топшириқларини муваффақиятли якунлашди. Иккинчи квартал планн бажарилиш арафасида. Коллектив йиллик топшириқни ҳам муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган. Планга қўшимча 2,1 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш режалаштирилган.

Бригада аъзолари шаҳримизнинг обод ва кўркам бўлиши учун астойдил курашмоқда. Улар томонидан бунёд этилган қатор турар жой биноларида бугунги кунда минглаб оилалар истиқомат қилишяпти.

Куни-кеча коллектив яна бир объектни фойдаланишга топширди. Бу «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчиларига мўлжалланган 400 ўринли ётоқхона биносидир. Муддатидан илгари фойдаланишга топширилган бу бино сифатлилиги билан ҳам бошқалардан ажралиб туради. Бинони бунёд этишда бригаданинг С. Осмонов, О. Дўстназаров, Х. Югай сингари қўли гул қурувчилари актив иштирок этишди.

Замондошимиз

Маҳмуда Бобоназарова. Тошкент тўқимачилик комбинатининг 4-йигирув ишлаб чиқаришининг илғор тўқувчиси. КПСС аъзоси. У ҳақда сўз борганда, коллектив «Маҳмуда корхонамиз фахри» деган гапни қайта-қайта тақрорлайди.

Маҳмуда коллектив шуҳратини қозонгунча озмунча куйиб-пишмади. Катта йўлни босиб ўтди. У ёшлигидаёқ тикувчиликка ихлос қўйган эди. Шунинг учун жажжи қизалоқлигида онаси тикув машинаси ёнига яқинлашди дегунча рўпарасига ўтириб олиб унинг чаққон ҳаракатларини кузатар эди. Онаси ўз ишига моҳир эди. Машинани осонликча ўз ихтиёрига юргиза оларди.

Ҳеч ким йўқлигида Маҳмуда ҳам тикув машинасини ишлатиб кўрар, ўнг қўли унинг ғилдирагини анча енгил айлантирса ҳам нина ботуви ҳар хил чиқар, хуллас ўргамчик матода ғадир-будир тикувлар пайдо бўларди.

Тақдирни қарангки, у чиндан ҳам тикувчи бўлди. 10-синфни тугаллаш арафасида Маҳмуда мактабдошлари билан Тошкент тўқимачилик комбинатига экскурсияга келди. Корхонадаги қатор-қатор машиналар, дастгоҳлар барчани ўзига ром этди. Айниқса Маҳмуда улар ишига узоқ тикилиб қолди. Ишчиларнинг чаққон ҳаракати, ўзи тенги қизларнинг дастгоҳни осонликча ўз изига юритиши, қизни бутунлай ўзига мафтун этди. У ўша куни биринчи марта ишчи бўлишни дилига тугиб қўйди.

Маҳмуда етуклик аттестатини қўлга олиши билан тўқимачилик комбинатига ишга келди. Эртасига корхонанинг 4-йигирув ишлаб чиқаришида иш бошлади. У ўзининг тиришқоқ ва чаққонлиги билан тезда коллектив орасида шуҳрат қозонди. Билмаганини тажрибали ишчилардан сўраб ўрганди. Касбига ихлос қўйди. Меҳнат қилишдан чарчамади.

Маҳмуда тез орада тилга тушди. Илғорлар қаторидан ўрин олди. У нормадаги 32 ўрнига 38 тўқув дастгоҳини бошқара бошлади. Маҳмуда ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳамиша сифатлилиги билан бошқалардан фарқ қилиб туради.

СУРАТДА: КПСС аъзоси Маҳмуда Бобоназарова.

Э. Зоҳидов фотоси.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ Тошкент-86

Тинчлик ва тараққиёт экрани

КУРАШ ВА ҒАЛАБАЛАР КИНОЙИЛНОМАСИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари анъанавий Тошкент кинофестивалига хос бўлган хусусият — инсониятнинг порлоқ идеаллари учун курашда бирлашиш муддаоси бу йилги халқаро анжуманнинг барча воқеаларида ўз аксини топмоқда. Ўтган якшанба куни уч қитъа санъат арбоблари Бухоро шаҳрида бўлганларида ана шу муддао, айниқса, яққол намоён бўлди. Санъат арбоблари Африка озодлиги кунига бағишланган митингда Африка халқларининг янги мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши кураши билан ўзларининг бирдам эканликларини изҳор қилдилар.

26 май куни асосий фестиваль зали — Санъат саройида «Марказий Америка — уйғонаётган вулқон» ҳужжатли лентаси кўрсатилди. Фильм воқеалар тасвирининг эҳтироси ва асар муаллифларининг жасорати билан томошабинларда зўр қизиқиш уйғотди.

— Биз мазкур картинани суратга олар эканмиз, елкамизда доимо автомат олиб юрдик, — дейди кинорежиссёр Бирон Антонио Гарсиа. — Бугун Сальвадорда бизларнинг ҳаммамиз жангчилармиз. Халқнинг мустақиллиги ва озодлигини қадрловчи ҳар бир киши Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронти сафларида жанг қилмоқда. Бу курашда санъатнинг овози тобора баралла янграмоқда.

Кубалик санъаткорлар яратган асар чорак аср муқаддам америкапараст диктатура билан даҳшатли олишувга бардош берган ва ғалаба қозонган мамлакатнинг юксак инсонпарварлиги тўғрисида ҳикоя қилди. Серхио Нульеснинг «Болаликни нима қилдингиз?» фильми номининг ўзи империализм ва реакция кучлари устидан айбнома, деб баҳоланмоқда. Сальвадорлик ватанпарварларнинг юзлаб фарзандлари учун Озодлик ороли қадрдон хонадон бўлиб қолганлиги тўғрисидаги воқеа томошабинларни ғоят тўлқинлантиради — сальвадорлик болалар бахтли болалик қандай бўлишини илк бор Кубада ҳис этдилар. Фернандо Сомарибанинг «Никарагуа ғалаба қозонди» кинорепортажи ҳам ишонч ва умидворлик билан йўғрилган.

Озод бўлган мамлакатлар кинематографиясида бунёдкорлик оҳанглари баралла янграмоқда. Мазкур фестивалга тақдим этилган фильмларнинг анчагинасини ёш санъаткорлар суратга олганлиги диққатга сазовордир. Уларнинг кўпчилиги машҳур кино маскани — Бутуниттифоқ давлат кинематография институтинг собиқ талабаларидир. Элликдан ортиқ мамлакатнинг бир мингдан кўпроқ кинематографчилари мана шу даргоҳда санъатга йўлланма олди. Эндиликда институтнинг собиқ талабалари — Серхио Ольхович, Мигел Литтин, Себастьян Аларкон ва бошқа кўпгина санъаткорларнинг номи бутун дунёга машҳурдир. Институт Тошкентда ўзининг анъанавий йиғинини ўтказди.

Фестиваль экрани янги-янги фильмлар билан таништиришни давом эттирмоқда. Шу куни Туркия, Сурия, Кения, Яман Араб Республикаси кинематографчилари суратга олган фильмлар кўрсатилди.

(ЎзТАГ).

Қитъалар овози

Кейинги кунларда фестиваль программаси бўйича барча тадбирлар ғоят қизғин ва уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Пойтахтимиз маданият масканларида Покистон, Сурия, Япония, Австралия, Мозамбик ва Хитой Халқ Республикаси кинематографчилари тайёрлаган фильмлар муваффақият билан намойиш этилди. «Узбекистон» меҳмонхонасида эса ана шу мамлакатлар киноленталари бўйича матбуот конференцияси ўзининг ранг-баранг савол ва жавоблари билан кино олами вазифасининг нақадар чексизлиги ва қудратли бу санъат жаҳон маданияти тараққиётида ғоятда катта аҳамиятга эга эканлиги яққол кўриниб турибди.

Тошкент Халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонлари республикамизнинг қадимий ва навқирон шаҳри Бухорога зиёрат қилдилар. Ўтган якшанба куни «Узбекистон» меҳмонхонаси бир мунча холи бўлишига қарамай фестиваль ишини ёритувчи журналистлар, янги келган меҳмонлар, хизматчилар ва томошабинлар билан гавжум бўлиб турди. Поезд Бухородан қайтиши билан фестивалнинг яна одатдаги қизғин иш кунлари бошланиб кетди.

Тошкент томошабинлари фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини кўриш билан дарров «қуршов»га оладилар, дастхатлар сўрайдилар, суҳбатлашадилар. Ана шундай учрашувлардан бирида Осиё қитъасининг таниқли киноактрисаси, бангладешлик Бабиттани кўрдик. Унинг сўзларини мароқ билан тингладик.

—50 дан ортиқ фильмда турли образлар яратдим. Менинг мамлакатимда миллий кинематографияни яратишга асос солган кишилардан бири Зоҳир Райҳондир. У озодлик уруши вақтида ҳалок бўлган. Мен 13 ёшлигимдаёқ у билан биргаликда киносуратга тушганман. Бизнинг навбатдаги муқаддас вазифамиз миллий кинематографияни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун ҳаётини фидо этган кишиларнинг ижодини давом эттиришдир.

—Тошкент кинофестивалида сизнинг иштирокингизда намойиш этилган фильм қандай номланади!

—«Муҳаббат тарихи», У чиндан ҳам ҳақиқий ва соф муҳаббат ҳақида ажойиб достондир. Фильм қаҳрамонлари ҳаётнинг энг азоб-уқубатларини бошларидан кечиради, аммо муҳаббат ҳар қандай куч устидан ғалаба қозонади.

—Бу сафарги фестивалдан олаётган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

—Энг муҳим таассуротим шундан иборатки, совет фильмларини қизиқиш билан кўраман. Унда ўзига хос кучли маҳорат ва истеъдод излари бор. Бу мен учун ўзига хос маҳорат эгаллаш мактабидир.

—Тошкентда дўстларингиз ҳам кўпайиб қолишган бўлса керак!

—Ҳа, шундай. Тамара Шокирова сингари ажойиб актрисалар менинг муштарак мақсадли дугоналарим. Умуман фестивалга марҳамат қилган кишиларнинг барчаси менинг дўстларим.

Меҳмонхона олдидаги баҳаво майдон ҳар кун эрталаб файзли ва гавжум. Фестиваль эмблемалари, турли мамлакатларнинг қилпираб турган давлат байроқлари бу ерда тарихий воқеа юз бераётганлигидан далолат бериб турибди. Сершовқин одамлар даврасида биз учун энг таниш киши кўринди. У СССР халқ артисти Наби Раҳимов. Суҳбатлашиб қолдик.

—Наби Раҳимович, нима учун фестивалнинг дастлабки кунларида сизни учратиш қийин бўлди!

—Мухбир укам, биласанми, Узбекистон телевидениеси мен ҳақимда уч қисмдан иборат «Санъаткор ҳаётининг икки куни» деб номланган телевизион фильмни суратга олиш билан банд қилиб қўйди. Унинг сценарийсини Фарҳод Мусажонов ёзган. Режиссёри Шавкат Жунайдуллаев, оператори Бахтиёр Нарзуллаев. Шу сабабга кўра узрли бўлди. Бу ёғига ўртоқлар билан хизматга тайёрмиз.

—Сиз юксак дидли санъаткоримиз сифатида фильмлар кўришни канда қилмайсиз.

—Тўғри. Пайтдан фойдаланиб қолиш керак. Хитой Халқ Республикаси кино ижодкорларининг «Дайди ва оққуш» фильмини қизиқиш билан кўрдик.

Одамлар оқими даврасида шарқча миллий кийим кийган бир қизни учратдик. У Афғонистонлик. Бемалол русча гаплашаяпти. Исми Аделла, фамилияси Даштбанд экан. Москвадаги Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтида 6-курсда таълим олярти. Яқинда рассом постановкачилик ихтисослиги бўйича диплом олади. Адела Тошкент кинофестивалида қатнашаётганлигининг боисини изҳор этди.

—Мен таълим олаётган Москвадаги жаҳоншумул институтда яхши анъана бор. У ерда ўқиётган ёшларни доимо кинофестивалларга, турли катта маданий тадбирларга тез-тез таклиф қилишади. Шу туфайли турли мамлакатлардан келиб у ерда таълим олаётган дўстлар билан Тошкент кинофестивалига келганмиз. Келгусидаги ниятлар бир талай. Ҳозирча Тошкент фестивалида менинг иштирокимда фильм бўлмаса ҳам, келгусида албатта қарзимни узиш ниятидаман.

Тошкент кинофестивали биз кино санъати оламига эндигина кириб келаётган жаҳондаги турли мамлакатларнинг ёш ижодкорлари учун тўла маъноси билан байрам ва ижод мактабидир. Биз аудиторияларда эгаллаган билимларимизни амалда шу ерда яққол таққослаб кўряпмиз.

А. ПЎЛАТОВ.

Фестиваль учрашувлари.

Т. Каримов фотолари.

Қардошлик қонунига биноан

Ёрдам фондига

«Бир кунлик иш ҳақимизни чернобилликларга ёрдам фондига топширамиз» — шаҳримиздаги 17-клиник касалхонаси қабул бўлимининг шифокорлари, ишчи ва хизматчиларининг аҳди ана шундай.

Йиғилишда сўзга чиққан қабул бўлимининг бошлиғи А. Шафиева шундай деди.

— Тошкентда рўй берган кучли зилзила ҳамон эсимда. Ушанда бутун мамлакат ёрдам қўлини чўзганди бизга. Кўпчилик ғайрат-шижоати билан жароҳат излари тез битиб кетди. Шу қисқа муддат ичида шаҳримиз мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетди. Украиналик бунёдкорлар томонидан қуриб берилган бутун бир кварталда минглаб оилалар истиқомат қилмоқда.

«Дўст—дўст бошига кулфат тушганда синалади». Бугун чернобилликлар бошига мусибат тушган экан, биз уларга ҳамдардлик билдирмай четда туришимиз мумкин эмас. Бўлимимизда элликдан ортиқ киши ишлайди. Ҳаммамиз бир кунлик иш ҳақини 904-счётга ўтказишга аҳд қилдик.

Ундан кейин сўзлаган О. Қодирова, Р. Низомова, М. Давидова, П. Колупаева ва бошқалар бир овоздан уни маъқуллашди. Қиммати ташаббусга бутун шифохона коллективи қўшилди.

Тошкент—янгича анъаналар шаҳри

Сайллар анъанага айланмоқда

Шаҳримизнинг Карл Маркс кўчаси ўтган шанба ва якшанба кунлари сайл қилувчилар билан янада гавжум бўлди. Бу ерда байрамона кайфият ҳукм сурди. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари меҳмонлар ва ҳамшаҳарларимиз хизматида. Халқ талантлари ижросидаги қўшиқ, рақс ва пантомималар қадимий кўчада бўлаётган сайл файзига файз қўшди.

Шанба куни сайл қилувчиларнинг бир қисмини мактаб ўқувчилари ташкил этишди. Уларнинг кўпчилиги шаҳар мактабларида ўқув йилини тугатиб, сўнгги қўнғироқ байрамидан кейин бу ерга ташриф буюришди. Улар «Кел, биз билан рақсга туш» ўйинида иштирок этишиб, ҳордиқ чиқаришди.

— Мен кўпдан бери шаҳримизда ана шундай сайллар ўтказилишини орзу қилардим, — дейди Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор бичиқчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ф. Полтаева биз билан суҳбатда. — Бу ерда кичкинтойлардан тортиб катталаргача барча қулайликлар мавжуд.

Куйбишев район ошхоналар трести 50 ўринли «Рус чойи» кафесини ўзига хос усулда ясатиб, тўрт кишига бир стол ва электр самовар ажратибди. Унда тайёрланган ҳар хил пиширириқлар, ширинликлар хўрандаларга мунтазир. Фрунзе районидагилар бу сафар кичкинтойларимиз хизматида бўлишиб, улар учун ажратилган павильонларни аквариум ва мультфильм қаҳрамонлари билан безатишган. Киров райони эса Польшада ишлаб чиқарилган 50 ўринли павильонда кабоб ва палов билан аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Бундай сайлларда иштирок этиш хизматчиларимиз учун ўзига хос синовдир, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар умумий овқатланиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. Соатов. — Трестларнинг бундай ўзига хос бир-бирлари билан ўзаро мусобақасида ғолиблар аниқланади ва тақдирланади.

Икки кунлик сайлда фақат «Ташлимводторг» хизматчиларининг ўзи тўрт ярим тонна музқаймоқ, 4000 литр квас сотишди. Анъанага айланиб бораётган бундай сайллар энди Карл Маркс кўчасида ҳар дам олиш кунлари ўтказилиб турилади. Азиз меҳмонлар ва ҳамшаҳарларимиз шанба куни соат 14 дан 22 гача, якшанба куни 12 дан 22 гача сайлга марҳамат қилиб, ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

СУРАТЛАРДА: Карл Маркс кўчасида ташкил этилган сайл.

Алло, редакциями?

НОН ҲАҚИДАГИ МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ



Газетамизнинг кечаги сонида биз ҳурматли оқшомхонларимизни нон ҳақида бўладиган мулоқотга таклиф этган эдик. Бугун яна бир бор шу нарсани эслатиб ўтамизки, нонинг сифати, унинг турлари ҳақидаги, хизмат кўрсатиш маданияти хусусидаги ўз саволларингизни эртага соат 17 дан то соат 18 дан 30 минут ўтгунга қадар бўлган вақт ичида 35-84-63 ёки 35-72-44 рақамли телефонларга қўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Сизларни қизиқтирган барча масалаларга магазинларнинг мудирлари, «Ташхлебторг», «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбарлари жавоб қайтаришади. Агар бирор сабаб билан телефон орқали қўнғироқ қилолмай қолсангиз ўз фикр-мулоҳазаларингизни ва эътироз ҳамда таклифларингизни Тошкент, 700084, Тимирязев кўчасидаги 2-уйда жойлашган «Ташхлебторг»га йўллашингиз мумкин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

Партия турмуши: сиёсий маориф шохобчаларида

Ғоявий-сиёсий тарбиянинг муҳим қуроли

Партиямиз XXVII съезди материаллари пойтахтимизнинг барча бошланғич партия ташкилотларида қизғин ўрганилмоқда. Бу ишда айниқса сиёсий маориф кабинетлари, кўпсонли пропагандистлар, идеология кадрлари ва активининг роли катта бўлмоқда.

Қуйида мухбиримизнинг бир неча саволларига «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари И. Фармоновнинг берган жавобларини эълон қиляпмиз.

— Партиямиз XXVII съездида жадаллаштириш бўйича жуда катта иш программаси илгари сурилди,— деб сўз бошлади у, —бу эса меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни тубдан яхшилашни талаб этади. Қолаверса, биз бундай имкониятга эгамиз. Қўлимизда меҳнаткашларнинг кенг оммасига маърифат ва тарбия беришнинг таъсирчан воситалари бор, ғоявий-сиёсий тарбиянинг қудратли қуролига эгамиз.

Ҳозир съезд қарорларини чуқур ўрганиш ва унинг ҳар бир сатри моҳиятини тингловчиларга сингдириш ғоят муҳим вазифадир. Партия маорифи ва иқтисодий таълим шохобчалари уларни ғоявий-сиёсий чиниқтириш мактабидир. Уларда съезд қарорларини чуқур ва атрофлича ўрганар эканмиз, биз бу ишга барча пропагандистлар куч-ғайратини ва пропаганданинг бутун моддий-техника базасини сафарбар этяпмиз.

— Партия маорифи системасида неча мактаб иш олиб боряпти?

— Энг аввало ўнта марксизм-ленинизм асослари мактаби муваффақиятли иш олиб бораётганини айтиб ўтмоқчиман. Уларда 185 тингловчи партия XXVII съезди илгари сурган назарий қоида ва хулосаларни пухта ўрганмоқда. Бундан ташқари иккита ёш коммунистлар мактаби ишлаб турибди. КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилган ўзгартишлар билан КПСС Устави уларнинг муҳим ҳаракат қўлланмаси бўлиб қолган, десак асло муболаға бўлмайди. Съездда кўриб чиқилган ва тасдиқланган бу муҳим партиявий ҳужжатлар ёш коммунистлар олдида улкан истиқболлар очиб беради. Битта илмий-коммунизм мактабида ўтаётган машғулотлар ҳам тингловчиларда бой таассурот қолдиряпти.

Булардан ташқари яна Тошкент шаҳар партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм кечки университетининг иккита группасида бирлашмамизнинг 50 нафар тингловчиси шуғулланаяпти.

— Бу сиёсий маориф мактабларининг фаолиятини тажрибали пропагандистларсиз асло тасаввур этиб бўлмайди, шундай эмасми?

— Ҳа, турган гапки, съездда ҳам пропагандистлар, идеология активистлари шаънига айтилган илиқ сўзлар ва айни пайтда қўйилган юксак талаблар пропагандистлар фаолиятини янада жонлантиришни талаб этади. Бирлашмамиз партия комитети тажрибали, ишнинг кўзини биладиган ўнлаб пропагандист кадрларга эга. Масалан, Станислав Ерохин, Александр Давидов, Герман Хуснулгатин каби пропагандистларимиз меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга, пропаганда ишини конкрет ва амалий суратда олиб боришга, съезд қўйган вазифаларни корхона олдида турган социал-иқтисодий вазифалар билан чамбарчас боғлаб тушунтиришга ўзларининг бутун куч ва билим, маҳоратларини сарфламоқдалар.

Зероки, бирлашмамизнинг 76 пропагандисти, 25 сиёсий докладчи, 110 агитатори XXVII съезд материалларини ишчи-хизматчилар ва инженер-техник ходимларга тўла, муфассал тушунтириб беришга интилишяпти.

— Партия комитети сиёсий ўқувнинг боришини муҳокама этдими?

— Ҳа, яқинда парткомда сиёсий ва иқтисодий таълимнинг қандай бораётгани тўғрисидаги масалани кўриб чиқдик. Съезд талаблари асосида идеология ишларининг аҳволи учун барча цех партия ташкилотларига талабчанлик оширилди. Масалан, бу борада 8-қуюв цехининг ишини намуна қилиб кўрсатсак арзийди. Бу ерда моҳир пропагандист Иза Маркович Браверман иш тажрибаси диққатга сазовордир. У доимо тарбиявий-идеологик ишларнинг форма ва методларини ранг-баранг қилишга интилиб келади.

— Якунловчи машғулотларга тайёргарлик қандай кетяпти?

— Ўринли савол жуда. Бошланган катта ва мураккаб ишга дастлабки якун чиқариш, —бу жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, бизда ҳали сиёсий ва иқтисодий таълим системасида машғулотлар ўтказишнинг ҳали пишиб етилмаган шакл ва методлари бор. Ҳали ҳамма мактабларда ҳам ўқув ҳозирги юксак талаблар даражасида ташкил этилган, деб бўлмайди. Шак-шубҳасиз, якунловчи машғулотларда ана шулар ҳақида ҳам ҳеч қандай рўй-хотир қилмай, очиқчасига сўз юритмоқчимиз. Энг аввало съезд қарорларини ўрганишни қандай ташкил этганимизни чуқур таҳлил қиляпмиз, ташаббускор, интизомли, тажрибали пропагандистларимизнинг энг яхши ютуқларини барчанинг мулкига айлантирмоқчимиз.

Съездда ҳаққоний таъкидланганидек, биз сиёсий маориф соҳасидаги иш услуб ва методларимизни ҳам замон талабларига мослашимиз, бу ишни қатъият билан қайта қуришимиз, ҳар бир пропагандист ва тингловчидан эса ташаббус кўрсатишни, масъулиятни оширишни тобора кўпроқ талаб этишимиз лозим.

Марат Хабировнинг «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-цехида меҳнат қилаётганига 28 йил бўлди. У бу даврда шогирд ишчидан юксак малакали электр пайвандчи даражасига кўтарилди. Илғор ишчи ҳалол меҳнатлари учун медаллар ва дипломлар билан тақдирланган.
Суратда: илғор пайвандчи Марат Хабиров.

ТАШАББУСКОРЛИКНИ ОШИРИБ, МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

КПСС XXVII съездининг улуғвор фикрлар жўшқинлигини амалий ишлар жўшқинлигига айлантиришга бўлган комил ишонч Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг бўлиб ўтган VI пленумида янгради. КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш борасида Тошкент шаҳар комсомол ташкилотларининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари С. С. Мўминов доклад қилди.

Тошкент шаҳар комсомол комитетининг VI пленумидан

Ҳозирги давр, деб таъкидлади докладчи, ҳар бир комсомол ташкилотида юксак ташаббускорлик ва ишчанлик кайфиятини уйғотишни биздан тақозо этмоқда. Бугунги кунда активлик билан изланиб КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришда ёшлар иштирок этишининг янада самарали формаларини танлаш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг, беш йиллик топшириқларини адо этишнинг таъсирчан омили бўлган мусобақани янада ривожлантириш, бошланғич комсомол ташкилотларининг жанговарлигини ошириш катта аҳамият касб этади.

80-йилларнинг комсомоллари актив ҳаётий позиция, изланиш, КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришга конкрет улуш қўшиш сингари хислатлари билан ажралиб турадилар. Халқ истеъмоли буюмлари янги намуналарини яратиш бўйича ёшларнинг вақтинчалик конструкторлик-технолог и я бюросини ташкил этиш юзасидан қимматли ташаббус бошлаган Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Волга автомобиль заводининг ташаббусини қўллаб-қувватлаган ва ҳақ олмасдан заводнинг маданий-соғломлаштириш комплекси қурилишида тўрт кун ишлашга қарор қилган Тошкент агрегат заводининг, Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатишга ҳисса қўшишдек олийжаноб ҳаракатга қўшилиб, ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини ўтказган Марказий универсал магазини, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар комсомолларининг ташаббуслари ана шунинг ёрқин далили эмасми? Ёшларнинг бундай хайрли, ташаббускор ишларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ, бугун уларнинг 1986 йил ва умуман беш йиллик планларини бажариш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, халқ хўжалиги тармоқларини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш бўйича ишлардаги актив иштироки, айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса комсомол ташкилотлари ишни шу тарзда йўлга қўйишлари керакки, токи ҳар бир ёш партия белгилаб берган вазифаларнинг нақадар ҳаётий муҳимлигини чуқур ҳис қилсин, унинг ташаббус кўрсатиши, ҳар бир меҳнатчининг масъулияти нақадар зарур эканлигини қалбдан чуқур англасин. Социалистик мусобақани ташкил этишни такомиллаштириш, ижодий жўшқинликни авж олдириш, стахановчилик ҳаракати анъаналарига содиқлик, комсомолёшлар бригадаларининг ишини активлаштириш бунда муҳим аҳамият касб этади. Бундай бригадалар сони ҳозирги вақтда шаҳарда 1,5 мингдан ортиқдир. Бироқ уларнинг кўпчилиги амалда одатдаги бошқа ишлаб чиқариш бригадаларидан фарқ қилмайди. Уларнинг баъзилари, масалан, Тошкент трактор заводи, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи комсомол ташкилотларида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив формалари бўйича ишлаб, амалда ўз номларини оқламоқдалар. Бошқа бригадалар эса фақат хўжа кўрсингагина ташкил этилади. Шу боисдан орадан бироз вақт ўтгач улардан ном-нишон ҳам қолмайди. Биргина Ленин районида ўтган йили ана шундай 288 та бригада бор эди. Бугунги кунга келиб эса уларнинг сони 189 тага тушиб қолди. Шунинг учун ҳам комсомол комитетлари маъмурият, партия ташкилотларининг қўллаб-қувватлашлари билан ишлаб чиқаришнинг тиғиз жойларида комсомол ёшлар коллективларини ташкил этишлари зарур.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси техника контроли бўлимининг назоратчиси **Д. Каримова** пленумда сўзга чиқиб, шуни таъкидладики, Альфия Шайхулина, Александр Циганков, Эркин Миркомилов, Татьяна Изотова, Петр Курдин ва бошқа ўртоқлар бош бўлган комсомол-ёшлар бригадалари меҳнатнинг юксак сифати учун, маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ топшириш учун, узеллар ва агрегатларни завод сифат белгисига тақдим этиш учун, ўз-ўзини назорат қилиш ва бригада тамғаси ҳуқуқи учун изчиллик билан кураш олиб бормоқдалар. Бироқ бундай бригадалар сони ҳар бир цехда, ҳар бир корхонада кўпайиб бориши керак, токи ҳар бир жойда меҳнатнинг пировард натижалари учун коллектив масъулиятни таъминлайдиган узлуксиз ишловчи сифат бригадалари иш кўрадиган бўлсин.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифаларидан биридир. Ҳозирги пайтда шаҳарда бор-йўғи 9 процентдан зиёдроқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулот олий сифатни ташкил этади. Бу албатта кам. Брак маҳсулот ишлаб чиқариш давом этмоқда. Жумладан, фақат биринчи кварталнинг ўзида 1-пойафзал фабрикасига 120 минг сўмга яқин суммадаги рекламациялар келди. Фабрика комсомол комитети эса сифат масаласини бирор марта бўлса-да, комсомол йиғилишларида, комсомол комитети мажлисларида муҳокама этмади.

Маҳсулот сифати тўғрисидаги мавзуни давом эттириб, 4-қурилиш трестининг пайвандчиси **Владимир Кондаков** у меҳнат қилаётган комплекс бригада «зарбдорларча, стахановчасига ишлаймиз» деган шиор остида ишлаётганлигини таъкидлаб ўтди. Аммо маҳсулот етказиб берувчилар, жумладан, 1- ва 8-темир-бетон буюмлари заводлари уларга панд беряпти.

— Ана шу панд бериш оқибатида биз кўп вақт йўқотяпмиз, — деди у. — Бу нарса сифатга ҳам, қурилиш муддатига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Айниқса бизнинг 1-темир-бетон буюмлари заводи комсомол ташкилотига таъналаримиз кўп. Улар сифат масалалари билан мутлақо шуғулланишмайди. 8-темир-бетон буюмлари заводидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Шу заводларнинг комсомол ташкилотлари сифат бўйича рейдларни тез-тез ўтказиб туришлари керак.

Шаҳардаги бошқа қорхоналарнинг комсомол комитетлари ҳам юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ишларни активлаштиришлари керак. Улар тирасполлик тикувчиларнинг аъло сифатли комсомол-ёшлар бригадасини ташкил этиш бўйича тажрибасини ўзларининг амалий ишларида кенг қўллашлари, челябинсклик ёшлар коллективларининг «Аъло маҳсулот тайёрланди— аъло даражада сотилди» принципи бўйича тажрибаларини ўзларининг амалий ишларига жорий этишлари даркор.

— Биз тракторларнинг орқа кўприкларини, қишлоқ хўжалик машиналари учун редукторларни ишлаб чиқарамиз, — деб таъкидлади Тошкент агрегат заводи токари **Виктор Ганин.** — Ишимиз масъулиятли. Шу боисдан цехимиздаги ҳар бир участкада сифат бўйича комсомол назорати постларини ташкил этганмиз. Бу постлар техника контроли бўлими билан биргаликда сифатдан кўз-қулоқ бўлиб туради, брак маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўйганларга самарали таъсир чоралари қўллайди.

Бироқ, афсуски Виктор Ганин айтиб ўтган яхши мисоллар билан бир қаторда бошқа ноҳуш мисоллар ҳам бор. Жумладан, шаҳар пассажир транспорти ишини яхшилаш зарурлиги тўғрисидаги масалани кескин қилиб қўйган шаҳар XXV партия конференциясидан сўнг комсомол-ёшлар маршрутларини ташкил этиш бўйича ишлар бошланди, «Главташпассавтотранс» билан биргаликда автобусларнинг ёш ҳайдовчилари касб маҳоратини ошириш конкурслари ўтказилди, трамвай-троллейбус бошқармаси ётоқхоналарида маиший турмуш ва дам олиш учун яратилган шароитлар текширилди. Шаҳар комсомол комитети бу ишларнинг ташаббускори бўлди. Аммо бу ишлар бошланғич комсомол ташкилотлари, район комсомол комитетлари зиммасига топширилгандан сўнг у сўниб қолди. Афсуски, район комсомол комитетларнинг бугунги иш услублари ҳамма вақт ҳам районлар ва бошланғич ташкилотларда ташкилотчилик ва идеологик ишларни етарли даражада таъминламаётир. Кўпгина район комсомол комитетлари ўзлари ҳақли равишда фахрланадиган тажрибаларни бой бериб қўйишди. Бу гап биринчи навбатда Киров, Куйбишев, Ҳамза ва Собир Раҳимов районларининг комсомол комитетларига тааллуқлидир. Район комсомол комитетлари қошидаги барча жамоатчилик тузилмаларини секретарлар ёки аппаратнинг бошқа ходимлари қачон ва нима сабабдан бошқара бошлаганини ҳозир эслаш қийин, деб таъкидлади докладчи. Жумладан, Акмал Икромов район комсомол комитетининг иккинчи секретари М. Якименко еттита штаб ва комиссияларни бошқаряпти ёки унинг аъзосидир. Шу боисдан уларнинг кўпчилик қисми номигагина ишлаётгани тушунарлидир. Ахир у ёки бу советни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий вазифа — бу активлар ва комсомолларнинг кенг қатламига таяниш-ку! Пленумда таъкидланганидек, психологик жиҳатдан қайта қуриш, кучларни қайта тақсимлаш, ана шу йўналишлар бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар қайта кўриб чиқилмас экан, агар унда конкрет ишлар, ёшларнинг эҳтиёжларига эътибор, уларга у ёки бу масалани ҳал этишда ёрдам бериш учун интилиш амалда асосий иш бўлмас экан фақат вақтинчалик натижаларни беради.

Пленумда фан-техника тараққиёти масалаларини ҳал қилишда комсомол комитетларининг таъсири амалий жиҳатдан сезилмаётгани таъкидлаб ўтилди. Ёш олимлар ва мутахассисларнинг изланишлари кўпгина ҳолларда майда масалаларни ҳал этишга қаратилмоқда, янги техника илғор намуналарини ишлаб чиқиш билан боғлиқ илмий-тадқиқотлар деярли йўқ. Ҳозирги вақтда шаҳарда «Прогресс—90» программасини тузиш, транспорт барча турларини ривожлантириш, халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш комплекс программаларини тузиш ниҳоясига етказилмоқда. Комсомол ташкилотлари бу ишларни амалга оширишда ёшларнинг актив иштирокини таъминлашлари керак. Шаҳар комсомол ташкилоти капитал қурилишига ўз улушини қўшиши, зарбдор қурилишларга, жумладан, «Главташкентстрой»га оталиқ қилиши лозим.

Кечиктириб бўлмайдиган вазифалар орасида, деб таъкидланди пленумда, ижтимоий фойдали меҳнатда банд бўлмаган ёшларни ишга жойлаштириш, пионер ташкилотларига раҳбарлик қилишни яхшилаш, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишни амалга оширишга қўшиладиган ҳиссани кучайтириш, ёшларнинг бўш вақтларини намунали ўтказишни яхшилаш сингари масалалар бор. Аммо, энг муҳими комсомол ташкилотлари фаолиятидаги қотиб қолишлик ва консерватизмни таг томири билан йўқ қилишга, ҳар бир бошланғич ташкилотда ишчанлик, жўшқинлик, юксак масъулият ва принципиаллик муҳитини яратишга эътиборни қаратиш даркор.

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг VI пленуми ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари **Б. Ф. Сатин** қатнашди ва нутқ сўзлади.

Н. ПАНЯКШИНА.

Тошкент кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси 5-цехининг комсомол ёшлари корхонада 1986 йил ва бутун ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал адо этиш, буюмлар сифатини яхшилаш учун давом этаётган курашда фаол иштирок этишяпти. Ушбу суратда мазкур цехнинг илғор комсомол ёшларидан [чапдан-ўнгга] М. Шарофутдинова, Р. Ёқубова, М. Зуфарова, М. Муҳаммадхўжаева, Л. Шокировалар кўриб турибсиз. Улар шу кунларда смена топшириқларини 120—130 процент бажариб аъло сифатли буюмлар тайёрлашяпти.
М. Нуриддинов фотолари.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

Пелтиернинг совет кишиларига мактуби

◆ САН-ФРАНЦИСКО.

Бу мактуб ТАССнинг шаҳардаги мухбирлар пунктига келиб тушишдан олдин одатдан ташқари йўлни босиб ўтди. Мактубни пойлаб, ушлаб қолишга уриндилар, албатта. Бироқ мактуб турмалар орқали ўтиб, мўъжиза билан Америка охранкаси нишонига тушмади. Мактуб ёзилган сана кўрсатилмаган, чунки афтидан, ҳеч ким унинг қанча вақт йўл босишини билмаган. Қуйида «Леонард Пелтиер, сиёсий маҳбус» деб имзо қўйилган.

АҚШ маъмурлари тўқиб чиқарган «айбнома» билан ўн йилдан буён турмада азоб чекиб ётган ана шу Америка туб аҳолисининг ҳуқуқлари учун мард курашчи ўз номидан ва ва америкалик ҳиндилар номидан совет кишиларига мурожаат қилади ва Чернобиль АЭСидаги авария муносабати билан уларга ҳамдардлик билдиради. У совет раҳбарларининг авария оқибатларини тугатиш ва аҳолига барча зарур ёрдам беришга оид ўз вақтидаги ва самарали ҳаракатларига ғоят юксак баҳо беради.

Кўпчилик америкаликлар каби мен ҳам буржуа матбуоти хабарларидан Чернобиль АЭСида қандай воқеа содир бўлганлигини тушуниб олишим қийин бўлди. Чунки Американинг оммавий ахборот воситалари АҚШ маъмуриятининг кўрсатмаси билан советларга қарши кампанияни авж олдириш учун фактларни қабиҳлик билан қасддан бузиб кўрсатдилар.

Муваффақиятли операция

◆ ЛУАНДА.

Ангола халқ озодлик қуролли кучлари (ФАПЛА) АҚШ Марказий разведка бошқармаси ва ирқчи ЖАР хизматида бўлган унита террорчи гуруҳи шайкаларига қарши муваффақиятли жанговар операцияларни олиб бормоқдалар. ФАПЛА қисмлари ва бўлинмалари кейинги икки ҳафта мобайнида Кванд-Кубанчо вилоятининг ўзидагина 50 га яқин газандани яксон қилдилар. Ғарб мамлакатларида ва Жанубий Африка республикасида ишлаб чиқарилган кўп миқдордаги қурол-яроғ, ўқ-дори ва ҳарбий аслаҳа-анжом ўлжа олинди. Террорчилар зўрлик билан ҳайдаб кетган 80 деҳқон озод қилинди.

Халқ мудофаа ташкилоти, халқ ҳушёрлиги бригадаларининг жангчилари, маҳаллий аҳоли унита контрреволюцион гуруҳи шайкаларини тор-мор қилишда актив қатнашмоқдалар.

Никобсиз терроризм

Америка Қўшма Штатлари маъмурияти гўё «терроризм билан кураш» сиёсатини олиб бораётган эмиш. Америка матбуоти эса бу никобланган сиёсатни кўкларга кўтариб мақтамоқда. Лекин фактлар эса бутунлай бошқа манзарани намойиш этмоқда. Америка Қўшма Штатларида ғоятда махфий тутилган ҳолда чет элларда қўпорувчилик ишларига тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш кампанияси кенг кўламда авж олдириб юборилди. Ана шу жиноий фаолиятда Америка Қўшма Штатларининг Ҳиндихитойда ўтказган ярамас авантюраси пайтида ўзининг қонли изини қолдирган «махсус мақсаддаги» қўшинлар асосий қурол бўлиб ишлатилмоқда. Бу қўшинлар орасида «яшил беретлар», «рейенжерлар», «тюлленлар» ёки «Дельта» деб номланган махсус группа ва бўлинмалар бор. Пентагон ана шу қўшинларнинг ишини мужассамлаштириш мақсадида уларнинг тайёргарлигини яхшилашга қаратилган қатор тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Пентагоннинг фикрига қараганда, бу тадбирлар Қўшма Штатларнинг чет элларда урушлар олиб бориш зарурати пайдо бўлганда мададкор бўладиган «махсус мақсаддаги» бўлинмалар ва қисмларнинг жанговарлигини янада оширишда ёрдам берар эмиш. Ана шу қўшинларнинг каллакесарлари АҚШнинг Гренадага бостириб кирган пайтида ўз кучларини синаб кўрдилар. АҚШнинг ҳарбий идоралари кўрсатилган тадбирлардан ташқари «махсус мақсаддаги» бўлинмаларни «танг ҳолатлар юз бераётганда тез назорат ўрнатиш учун» мақсадида ер курраси нинг «оловли нуқталари» районларида жойлаштиришни мўлжаллаган.



СУРАТЛАРДА: махсус мақсаддаги қўшинлар составининг каллакесарлари АҚШ территориясидаги таянч базаларидан бирида машғулот пайтида.
ТАСС фотохроникаси.

Суиқасд барбод бўлди

◆ БУЭНОС-АЙРЕС.

Аргентина миллий мудофаа министрлиги республика президенти Рауль Альфонсин ҳаётига суиқасд қилишга уриниш бўлганлиги хусусида баёнот тарқатди.

Давлат бошлиғи Қордова шаҳридаги ҳарбий гарнизонга душанба куни борганида, деб таъкидланади ҳужжатда, хавфсизлик кучлари Рауль Альфонсин сўзга чиқиши мўлжалланган офицерлар клуби биносида портлатиш қурилмасини топиб, зарарсизлантирдилар. Шундан сал илгари номаълум шахс телефон қилиб президент ҳаётига суиқасд тайёрланаётгани ҳақида огоҳлантирган эди. Ҳозир тергов бошланди.

Исроил босқинчиларининг жиноятлари

◆ БАЙРУТ.

Ливандаги БМТ муваффақ кучлари расмий вакилининг гувоҳлик беришича, Исроил босқинчилари Ливандаги аҳоли пунктларини ўққа тутаётганларида металл игналар солинган артиллерия снарядларидан фойдаланишга киришдилар. Ана шундай ваҳшиёна қуролдан фойдаланиш оқибатида тинч аҳоли орасида жабрдийдалар кескин кўпайди.

Жазо отрядлари Ливаннинг озод қилинган Мазраат-Алҳамра райони территориясига бостириб кирганларида, Ливан ватанпарварлик қаршилик фронти жангчилари қўйган пистирмага рўпара келдилар. Бир неча соат давом этган жанг давомида босқинчилар оғир артиллерия ва веррто-лётларни ишга солдилар.

Сайда шаҳридан шарқдаги районда ҳам вазият кескин ёмонлашди, ўтган кунлар мобайнида «Жанубий Ливан армияси»даги Исроил гумаштаалари билан миллий ватанпарварлик кучлари отрядлари ўртасида қақшатқич тўқнашувлар бўлди. Ёлланган газандалар яқин атрофдаги аҳоли пунктларини ўққа тутдилар.

Ливан пойтахтидаги аҳвол ҳам ёмонлашди. Бугундан бошлаб Байрутда ва мамлакатнинг бошқа районларида электр энергия бериш тўхтатилди. Яна ёнилғи танглиги рўй берди, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслиги ҳам сезилмоқда.

Тошкент-86 ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ

«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!»

Фестиваль фильмлари

Эрк учун кураш

Анъанавий Тошкент кинофестивали экранида намойиш этилаётган фильмлар мавзу доираси билан ҳам, эмоционал салмоғи билан ҳам ранг-баранг. Аксарият картиналар бугунги кун жаҳон кинематографиясининг энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлантирган. Одатдагидек, уч қитъа кино санъаткорлари яратган ҳар хил оқим, ижодий услубга хос ленталар билан танишмоқдамиз.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг IX Халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табрикномасида айтилганидек, «Замондошимизнинг ташвиш ва қувончлари, юмушлари ва орзу-умидлари дунёси жуда кенг ва ғоят хилма-хилдир. Аммо ҳозир инсоният икки йўлдан бирини танлаб олишдек ниҳоятда жиддий муаммо олдида турганлиги энг асосий масаладир... Қурол-яроқсиз ва зўравонликсиз дунё — социализм идеалидир, бундай дунёда ҳар бир халқ ўзининг ривожланиш йўлини, ўз турмуш тарзини эркин танлаб олади».

Африка киносанъаткорлари яратган энг яхши картиналарда мана шу ҳаётбахш йўл — ўз тақдирини ўзи белгилаш, турмуш тарзини эркин танлаш учун кураш лавҳалари акс этган. Албатта, ҳар бир мамлакат киноси учун ўз мамлакати ёки қитъаси олдида турган ижтимоий проблемаларни нечоғлик теран очиб бера олиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳақиқий мезон эса миллий кинонинг тараққиёт йўли жаҳон кинематографияси илғор тенденцияларига қай даражада ҳамоҳанг бўлишида.

Бу жиҳатдан Африка киносанъаткорлари кейинги йилларда яратаётган картиналар ғоявий-эмоционал таъсирчанлиги билан томошабинларга манзур бўлиб бормоқда. Биз буни ҳар икки йилда ўтказилаётган фестивалга тақдим этилаётган фильмларда йил сайин ижтимоий проблемалар теранлашиб бораётганидан ҳам кузатишимиз мумкин. VII Тошкент кинофестивалида таниқли режиссёр Сухайл Бен Барканинг «Амок» фильми мана шундай фазилатларига кўра бош соврин билан тақдирланган эди. Сўнгги йилларда бу картина яна кўплаб жаҳон кинофестиваллари мукофотларига сазовор бўлди. Бу картинада замонавий қирғин қуроллари билан қуролланган Жанубий Африка Республикаси иркчиларининг ёвузликлари катта публицистик пафос билан фош этилган эди. Мозамбиклик режиссёр Камило де Соса навбатдаги фестивалга олиб келган «Қоплонлар даври» картинасида эса мустамлакачилик сиёсатининг халққа ўтказган бениҳоя оғир жабру-зулмига қарши кураш лавҳалари билан танишамиз. Югославиялик режиссёр Здравко Велимирович билан ҳамкорликда яратилган бу картинага Мозамбик халқи антиколониал кураши раҳбарларидан бирининг тақдири асос қилиб олинган. Воқеа 70-йилларнинг бошларида бўлиб ўтади. Фильм Африка жанубида Португалия мустамлакачилари зўравонлигини тугатиш учун олиб борилган ана шу ҳал қилувчи кураш лавҳаларини гавдалантиради.

Албатта озодлик кураши халқнинг кўп йиллик мураккаб ривожланиш, тараққиёт йўли натижасида юзага чиқади. Бу мураккаб кураш ўз қаҳрамонларини, халқ йўлбошчиларини туғдириши табиий. Мозамбикда Португалия мустамлакачилик сиёсатининг инқирозга юз тутиши ҳам ана шу халқ қаҳрамонларининг фидойиликлари, сабр-косаси тўлган халқ курашини тўғри йўлдан бошқариб боришлари билан юзага чиққан эди. Фильмда ана шундай кураш қаҳрамонлари образини яратган Сантос Мулиньо ёвузликка қарши нафратни теран гавдалантиришга муваффақ бўлган. Босқинчилар қасоскорларнинг ҳар қадамини кузатиб турувчи замонавий техникадан тортиб, энг ёвуз қирғин қуролларига ҳам эга. Улар ҳар дақиқада озодлик курашини сўндиришга, ватанпарварларни бўғиб ташлашга ҳозир. Аммо сабр-косаси тўлган халқ ҳар қандай ваҳшийликлар, ҳар қандай йўқотишлардан сўнг ҳам эътиқодидан қайтмаган. Мустамлакачиларни бутунлай йўқотиш учун курашдан тўхтамайди ва уларнинг бу ҳаракати ғалаба билан якунланади.

Сурия кинематографчилари IX фестиваль экранига тавсия этган «Булутли тундаги қуёш» фильми ҳам мустамлакачилик сиёсатига қарши тобора кенгайиб бораётган кураш даврини акс эттиради. Режиссёр Муҳаммад Шахин яратган бу картинага тарихий материал асос қилиб олинган. У 40-йилларда француз колонизаторларига қарши олиб борилган курашни мозамбиклик киносанъаткорлардан фарқли ўлароқ, психологик планда тасвирлашга ҳаракат қилган. Мустамлакачиликни ич-ичидан емираётган кўринмас куч—ҳар бир кишининг, пировардида кўпчиликнинг ўз-ўзини англаши жараёнларини кўрсатиш картинанинг асосий концепциясидир.

Бош қаҳрамон Адилбек бой-бадавлат оиладан. Унинг ҳамма нарсаси бор, севган қизи ҳам, гўзал ҳаёти ҳам. Бироқ у булардан норози. Сабаби— уларнинг ёнгинасида оддий меҳнаткаш халқ қийналиб яшайди. Халқнинг қонини сўраётган мустамлакачилар билан эса Адилбеклар оиласи жуда яқин. Сабаби унинг отаси француз мустамлакачиларининг малайи. Шу тариқа Адилбеклар билан меҳнаткаш халқ ўртасида кўринмас катта «жарлик» бор. Адилбек мана шу жарликка қарамай, оддий кишилар томон интилади, улар орасида бўлишга ҳаракат қилади. Ўзи ўқиётган музика мактабидан кетиб бўлса-да, халқ рақсларини ўрганмоқчи бўлади. Албатта бу меҳнаткашларда унга нисбатан хайрихоҳлик, унинг ота-оналарида эса ташвиш туғдириши табиий. Сабаби сиртдан тинч кўринган бу ҳаёт ички бўронларга эга: гоҳ у, гоҳ бу томондан ҳар замонда ўқ овозлари эшитилиб турибди. Бу ўқ гоҳо мустамлакачи ҳарбийларни йиқитса, гоҳо оддий халқ кўксига санчилади.

Картина муаллифлари 40-йиллардаги бу манзараларни гавдалантириш орқали халқ қалбида туғилиб келаётган адоватнинг кучайишини кўрсатадилар. Ёвузликка, мустамлакачиликка қарши нафрат оловининг аланга олиш жараёнларини таҳлил этадилар.

Фестиваль экранида намойиш этилаётган бошқа картиналарда ҳам Тошкент фестивалларининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» кураш шиори турли ижодий услублар, публицистик талқин, ўзига хос маҳорат билан тасвир этилган.

М. АБДУЛЛАЕВ.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент IX Халқаро кинофестивали ўз ишини қизғин давом эттирмоқда. Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари пойтахтимизнинг бугунги жўшқин ҳаёти билан қизиқиб танишмоқда. Фотомухбиримиз олган юқоридаги суратда Хитой Халқ Республикасидан келган ёш киноактриса У Дань акс эттирилган. Тошкент фестивалига биринчи марта марҳамат этган ижодкор «Дайди ва оққуш» бадиий фильмида асосий ролни ижро этган.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари яшайдиган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси биноси олди киноанжуманда намойиш этилаётган фильмлар, афишалари билан безатилган. Саноқсиз бу афишалар олдида ижодкорлар томошабинлар билан қизғин суҳбатлашишади. Пастдаги суратда мамлакатимизнинг бир қатор қардош республикаларидан келган санъаткорлар тасвирланган.

Т. Каримов фотолари.

Баҳорнинг сўнгги ойи

Баҳор фасли ўз сепини ёзиб, гулгун жамолини кўз-кўз қилиб ўрнини саховатли ёзга бўшатиб бериш арафасида турибди. Осмонда парқу булутлар пайдо бўлиб иссиқ кунлар ёғин-сочинли кунларга алмашмоқда, момақалдироқлар гумбури, чақмоқлар нури таралмоқда. Ой охирлаган сари баҳорнинг ёқимли илиқ шамоллари қор ва музлар ўлкаси бўлган Тянь-Шань, Помир ва Олой тоғлари томон интилиб бораяпти.

Тошкентимиздаги боғ-роғлар, хиёбонлар, майдон ва кўчалар ям-яшил либосга бурканиб, анҳор-ариқлардан шарқираб баҳор сувлари оқмоқда. Дала ҳовлиларда, боғ-томорқаларда ҳаваскор боғбонлар, соҳибкорлар, гулчилар экин-тикинларни парваришлаб, ёзда яхши ҳосилга киритиш учун қизғин меҳнат қилишаяпти. Мевали дарахтларни, полиз экинларини, гул-буталарни ўғитлаш, суғориш, турли агротехник ишловлар бериш шу куннинг муҳим юмушлари бўлиб турибди.

Ҳадемай ёзнинг иссиқ кунлари бошланади. Баҳорда шаҳримизнинг ҳовли, кўча, хиёбон ва боғ-роғларига ўтқазилган минг-минглаб туп мевали ва манзарали дарахтлар парвариш талаб бўлади, уларни вақтида суғориб турилмаса қуриб, қовжираб қолади, яхши ният билан ерга қадалган новниҳоллар нес-нобуд бўлса меҳнатимиз зое кетади. Шунинг учун дов-дарахтларнинг парваришига, уларни суғориш ишларига алоҳида аҳамият берилиши керак.

Она шаҳримиз Тошкентнинг ҳавоси, қуёши, суви ажойиб бўлганидан, табиати ниҳоятда гўзаллигидан қушлар маскан этишганини ҳам унутмайлик. Шаҳримизга иссиқсевар қушлар майна ва қалдирғочлар кўплаб келиб, боғларда, бинолар пештоқларида, дала ҳовлиларида ин қурадилар, тухум қўйиб бола очадилар. Шукингдек, шаҳримизда каптар, мусича, кўк қарға, қарқуноқ, зағча, зағизғон, олашқшақ, хаккқа, бойқуш каби паррандалар, шаҳар атрофидаги далаларда қуён, типратиқон, тошбақа, қундуз каби жонзотлар борки, уларнинг яйраб яшашига, бола очиб кўпайишига ғамхўрлик билан ёрдам берайлик.

Табиат — бизнинг онамиз, ҳаммамиз табиат фарзандимиз. Шундай экан, ҳар биримиз она шаҳримизнинг яшил бойликларини, ҳайвонот оламини, зилол сувларини, об-ҳавосини аяб-асраб эъзозлайлик. Буларнинг ҳаммаси ҳаётимиз зийнати, турмушимиз роҳати бўлиб хизмат қилади.

Она диёримизни ўрганамиз

Хумсон ғорларидаги ажойиботлар

Аёллар безаги бўлган дур-марваридлар денгиз остидаги чиғаноқлардан олиниши кўпчиликка маълум. Бироқ табиатда ғор «марварид»лари ҳам учраб туради. Улар асосан шар ва тухум шаклида, ранги оқ, оч сариқ бўлиб кальцитдан ҳосил бўлган, агар унинг кесмасига назар солсангиз ҳалқасимон йўлларни кўриб завқ билан кузатасиз. Табиатнинг бу нодир туҳфаси Ватанимиздаги ва чет мамлакатлардаги кўплаб ғорлардан ҳам топилган.

Сўнгги йилларгача Ўрта Осиё территориясида текширилган 1500 дан ортиқ ғорларнинг биронтасида ҳам ғор «марварид»лари (пизолитлари) учратилмаган эди. Давр тақозоси билан Бўстонлиқ ер ости бўшлиқлари атрофлича ўрганилиши туфайли улар бағрига табиат эл кўзидан «яшириб» қўйган турли-туман фойдали қазилмалар, археологик, палеонтологик ва зоологик ёдгорликлар сири ҳам очилмоқда. Айниқса, Хумсоннинг ҳақиқий мўъжизалари, «марварид»лари уни қуршаб турган тоғлар бағрида эканлиги маълум бўлди. Пўстинлиқсой ёқалаб чиқиладиган Гези довони ўзининг зиваворлари, ов ҳайвонлари, юғуриб келиб ер остига кириб кўздан ғойиб бўлувчи оқар сойлари, вақти-вақти билан оғзидан сув отувчи ғорлари, тош ванналари, келинларнинг сочидек буралиб тушувчи шаршаралари билан кишини мафтун этади. Бу ажойиб масканда тошкентлик ва новосибирсклик ҳаваскор спортчи ғоршуносларнинг ҳамкорликда бир қатор ер ости бўшлиқларини батафсил ўргандик. Бу бўшлиқларнинг энг узунининг ўрганилган қисми 500 метрни ташкил қилди. Унинг асосий йўлагидан оқувчи ер ости дарёси бўйлаб борар экамиз, фонар шуъласида ҳақиқ тошлар, тош сумалаклар, тош дарпардалар, ҳатто айиқ склетлари бизни кузатиб қолишар эди. Ғор йўлаги кенг ва баланд бўлса-да, баъзан тораяр ва энгашиб ўтишга чорлар эди. Шу алпозда ғор бўйлаб оқувчи дарёчанинг булоқ бўлиб қайнаб чиқаётган жойини ҳам ортда қолдириб, кенг шоҳона қасрни эслатувчи залга чиқдик, ғор эса шу ерда тугар эди. Ғор шифтидан сув томчилари бу ердаги кўлчаларга томчилаб худди кучукнинг ингиллашидек эшитиларди.

Залдаги кўлчалар бир-биридан нафис кальцит зинапоялар билан ажралиб турар, кўл юзасида эса бамисоли нилуфар сингари тош гуллар «очилиб» турар, залнинг бир неча квадрат метр жойида эса минглаб ғор «марварид»лари гиламдек сочилиб ётар эди. Биз эса ўз кўзимизга ишонмай ёш боладек қувонар эдик. Улардан намуналар олиб, ёруғ дунёга чиқиб уларни яна бир бор кузатар эканмиз, уларнинг баъзиларини табиатнинг ўзи аёлларга туҳфа қилгандек тешиб қўйганлигини кўрдик. Спортчи-ғоршунос қизларимиз эса бундан дарҳол безак сифатида фойдаланишди.

Хумсон яқинидаги янги топилган бу улкан ғордаги «марварид»лар муҳим илмий аҳамиятга молликдир.

И. ОТАЖОНОВ,
СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

Само сирлари

Галлейнинг «учар юлдуз»лари

Май ойи давомида осмон сайёралари турли ҳаракатларда бўлиб, Марс ва Сатурн планеталари тунги соат 3 ларда жанубда кўринади. Айниқса, ой охирларида Марс сайёраси Сатурндан уч-тўрт марта ёруғ кўринииб, кузатишга жуда қулай бўлади. Сатурннинг ҳалқаларини ва атрофидаги учта йўлдошини телескоп ва дурбинда кузатиш мумкин.

Апрель ойида хабар қилганимиздек, Галлей кометаси она-Еримиздан тобора узоқлашиб, кўриниши ноқулай бўлиб бормоқда. Май ойи охиригача уни кичик телескоп ва дурбинда сўнгги марта кузатса бўлади. «Думли юлдуз» тун ярмида жанубдан ғарбга тахминан 25 градус бурчагида ва уфқдан 30 градус баландликда хира туманга ўхшаб кўринади. Шу пайтда у Еримиздан 250 миллион километр узоқликда бўлади. Июнь ойидан бошлаб комета фақат катта телескоплар ёрдамида кузатилади.

Астрономларга маълумки, кометалар «умри»нинг сўнгги йилларида парчаланиб, чанг ва майда тошга айланиб кетса ҳам ҳаракат йўлини ўзгартирмай давом этаверади. Ана шундай тошлар Ер атмосферасига кирса, бирдан ёниб чақмоқ каби из қолдириб учади. Буни биз «учар юлдуз»лар деймиз. Май ойи охирида «учар юлдуз»лар Гамма Аквариид оқими кузатилади. Олимларнинг аниқлашларича, мана шу «учар юлдуз»лар биз билан «дийдор» кўришиб», эндиликда узоқлашиб кетаётган Галлей кометасидан ажралиб чиққан зарралар экан, яъни кометанинг сояси деса бўларкан.

В. УМАРОВ,
астроном.

Майса-кўкатларни босманг

Шаҳримиздаги ҳар бир дов-дарахт, нав-ниҳол, гул-кўкатлар ва хиёбонлардаги майсаўтлар чирой бериб, яшиллиги билан баҳримизни очиб туради. Табиатнинг ана шу ўсимлик оламини ҳар биримиз эъзозлашимиз, кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз керак.

Бироқ баъзида хиёбон ва майдонларда чўғдек очилиб турган гулларни узаётган, гуллаган ноёб дарахтлар навдасини синдириб олаётган ёки хиёбон ва йўл чеккаларига экиб ўстирилган ям-яшил майсаларни оёқ ости қилиб босаётган бефарқ кишиларни кўриб қоламиз. Шундайларни ҳар биримиз огоҳлантириб:

— Кўзингизга қаранг, яшил бойликни нес-нобуд қилманг, майсаларни босманг!—деб огоҳлантиришимиз керак.

Табиат бизнинг уйимиз, чиройимиз ва ғуруримиздир.

Наботот—ҳаёт манбаи

Сув бўйидаги «сулув»

Анҳор, кўл ва ариқлар бўйида «сочлари»ни ёйиб турган мажнунтол дарахтини кўрган ҳар бир киши унинг эгилиб турган шохшаббаларини завқ билан томоша қилади. Эгнидаги ям-яшил либоси ўзига бирам ярашганки, гўё иффатли келинчакка ўхшайди. У худди майда-майда қилиб ўрилган «соч»ларини ҳар томонга ташлаганча бошини қуйи солиб ўтиргандек. Мажнунтол юракларга эзгулик, ором беради, ҳавони мусаффолайди, сояси ёзда роҳат бағишлайди.

Мажнунтолни вавилон толи деб ҳам аташади. Унинг бўйи 15 метргача ўсиши мумкин. Қалин ва ғадир-будур танасини узун ингичка новдалари ва ланцетсимон шаклдаги барглари беркитиб туради. Ҳавонинг нами кўпайиб кетганда у заранг ва теракка ўхшаб ўз баргларидан ортиқча сувни чиқаради— гўёки «йиғлайди».

Одатда мажнунтол ҳовуз, канал ёқаларига экилади. У қатор-қатор ёки группа шаклида экилади. Мажнунтол ариқ, анҳор ва кўл четларини ювилиб кетишидан сақлайди.

Мажнунтол ўзининг дориворлик хусусияти билан ҳам ажралиб туради. Қобиғидан тайёрланган қайнатма қадимги замонлардан бери безгак касалини даволашда ишлатилган. Гуллари ва новдаларидан шарқ халқи турмушида ҳам фойдаланиб келинган. Қобиғидан «салицин» деган органик модда олинади (лотин тилидаги «салико» яъни «тол» сўзидан келиб чиққан). Салициндан салицилин кислотаси тайёрланади. Унинг ҳосилидан тайёрланган препарат ҳозирги медицинада юқори ҳароратни пасайтириш, оғриқни сусайтириш ва шамоллашга қарши ишлатилади.

Толнинг ёғочидан илгари замонлардан бери халқимиз ҳар хил уй жиҳозлари тайёрлашда ишлатиб келишган, сув идиш, қошиқ, сават, ингичка новдаларидан эса стол, стул, корзинка тайёрланган.

Мажнунтол қаламчадан яхши кўпаяди.

А. РЕШЕТНИКОВ,
М. СОБИРОВ,
Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг илмий ходимлари.

Зийнатли ўсимликлар

Марваридгул фақат гулми?

Ҳурматли редакция, марваридгул деган ўсимликни кўп дардларга даво дейишади, шу ҳақда маълумот берсангиз.
А. ПАРПИЕВ, пенсионер.

Марваридгул ўз чиройи билан зийнатли гуллар тоифасига киради. Май марварид гули (ландиш майский) пиёзгулдошлар оиласига мансуб бўлиб, доривор ўсимлик ҳисобланади.

Марваридгулнинг учта тури Ватанимизнинг Европа қисмида, Кавказда ва Курилл оролларидаги ўрмонларда ўсади. Аммо бу ўсимликни шаҳримизнинг кўпгина гул ихлосмандлари ўз хонадонларида ўстириб, унинг гўзаллигидан баҳраманд бўладилар. Ўсимлик анча беор бўлиб, гул тувакларда ҳам, гул пушталарида ҳам барқ уриб ривож топади. Гул пуштасига экилган марваридгул баҳор серёғин келса ёки сув мўл берилса, баландлиги 20—30 сантиметргача боради, мабодо сувга яхши қониқмаса бўйи 15 сантиметрдан ошмайди.

Марваридгул кўп йиллик ўсимлик бўлиб, унинг илдизпоясидан ҳар йили баҳорда ёш кўкатлари униб чиқади ва бизнинг иқлим шароитимизда апрель ойининг ўрталарида гуллай бошлайди. Оқ марваридгдек териб қўйилган қўнғироқдек гуллардан қизил рангли мевалар етилиб пишади.

Марваридгул таркибида юрак мушаклари фаолиятини оширувчи юрак гликозидлари деб номланувчи моддалар йиғилади. Бундай бирикмалар юрак мушакларига қувват бағишлаб, юраги бемажол ишлайдиган юрак пороги, юрак мушаклари ишининг сурункали бузилиши ёки юрак неврози билан хасталанган беморларга ҳар хил доривор маҳсулотлар сифатида мутахассис врачлар томонидан тавсия этилади. Дорихоналаримизда марваридгулнинг турли доривор препаратлари мавжуд. Шиша ампулаларда эритма сифатида чиқариладиган «Коргликон», «Конваллотоксин» ва бошқа шифобахш дори-дармонлар шулар жумласидандир. Булардан ташқари, марваридгул препаратлари юракка ижобий таъсир этувчи турли дори-дармонлар, масалан, «Зеленин томчиси» таркибига киради.

Ҳа, бу ўсимлик инсон учун фақат ўз чиройи билангина эмас, балки шифоли хусусиятлари билан ҳам катта аҳамиятга эга. Шуни эслатиб ўтиш лозимки, марваридгулнинг барги, гули, меваси ҳам киши организмига кучли таъсир этувчи гликозид моддалари сақлаши сабабли заҳарли ҳисобланади. Шу туфайли хонадонда бу ўсимликни ўстирганда алоҳида эҳтиёткорлик керак.

У АБДУЛЛАЕВ,
химия фанлари кандидати, доришунос.

УЙ ҲУСНИ

Узилган гуллар тез сўлимаслиги учун бир неча қоидага амал қилсангиз бас. Гулни эрта саҳарда узиш керак. Бу пайтда гул ҳужайраларига нам энг кўп тўпланган бўлади. Лекин гулларни ёмғир ёғиб турганда узиш тавсия этилмайди. Гулни қўлда узмай, ўткир пичоқ ва қайчида кесиш керак. Гуллар навдасини имкони борича узунроқ ва қийроқ кесиш керак. Шунда ўсимликнинг сув шимадиган юзаси каттароқ бўлади. Новданинг сувда турган пастки учини вақти-вақти билан жиндек қирқиб туриш керак.

Баъзи бир озиқ модда солинган сувда турган гуллар узоқ вақт сўлимайди. Масалан, уч литр сувга ярим таблетка аспирин, бир литр сувга 1 чой қошиқ шакар гулларнинг гулдондаги умрини узайтиради. Шу тахлитда кесиб олинган гулларни 10—15 кунгача сўлитмай асраш мумкин.

Н. ОДИЛХУЖАЕВА.

Табиатнинг қизиқ табиати

Суви шўр дарёлар

Одатда дарё суви чучук бўлиб, хўжаликда ишлатишга мосдир. Табиатнинг ҳазилини қарангки, баъзи дарёлардаги сув номакопнинг ўзгинаси бўлар экан. Улардан бири, мамлакатимизнинг шимоли-шарқий қисмида мавжуд бўлган Солянка дарёсидир. Унинг суви шўр бўлгани учун шу ном билан аталади.

Хўш, дарё суви нима учун шўр? Олимларнинг таъкидлашича, бундан бир неча миллион йиллар муқаддам ҳозирги Якутия ўрнида катта денгиз мавж урган. Мураккаб геологик жараёнлар натижасида бу ерлар бутунлай ўзгариб кетди. Ер остининг айрим жойларида йирик ош тузи запаслари йиғилиб қолди ва улар ер ости сувларининг таъсирида астасекин сарф бўлаяпти.

Олекминск водийсида ўтказилган қидирув-пармалаш ишлари натижасида ҳажми миллиард кубометр келадиган учта йирик ош тузи ҳазинаси топилди.

Сайёрамизда суви шўр дарёлар кўп учраб туради. Масалан, Перуда бир неча дарё суви истеъмол қилиш учун бутунлай яроқсиз. Бу дарёларнинг ҳар иккала қирғоғида 50 метр кенгликдаги жойда дарахтлар умуман ўсмайди. Текширишлар дарё ўрни бўйлаб ер остида катта босим остида тузга тўйинган сувлар чиқиши аниқланди. Дарё суви шўр бўлганидан уларда балиқлар учрамайди.

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.



Шаҳар кезганда

Мўъжизасиз мўъжизалар



Она табиатнинг ажойиб мўъжизалари борки, уларни завқ-шавқ билан кузатиб ҳайратда қоламиз. Табиат ўз қудрати ва чеварлиги билан дарахтларга турли-туман шакл беради, ўт-ўсимликларни минг товлантирадиган рангларга киритади, тоғ-тошларда, қир-адирларда мўъжизали кўринишлар яратади.

Ўсимлик ва ҳайвонот оламида яшаш учун кураш жараёни ҳам қизиқарли боради. Шаҳримиздаги Максим Горький номли болалар боғининг марказида ўрнатилган ҳайкалли фонтанча ичида ўсган дарахтни ҳеч ким қўл билан ўтқазмаган. Харсанг тошни ёриб, ёруғликка интилган бу дарахт «қаттиқ тош» қўйнидан «замин» танлаб, ўзи ўсиб чиққан. «Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деганларидек, бу дуркун дарахт ёнидан бошқа нав-ниҳоллар ҳам бўй чўзиб ўсишаяпти.

Мана бу тут дарахтининг бир ёни манзарасига қаранг. Унинг навдалари кесилди. Бироқ сахий тут барибир ширин-шарбат марварид меваларини одамларга инъом этиб турибди. Табиатнинг бу қудратига ҳам таҳсин айтамиз.

Паррандалар орасида мусича беозор қуш эканини биламиз. Аммо у ин қуриб, тухум очишда «бефарқ»лик қилади, инини нобоп жойга нобоп қуриб бола очаверади. Мана бу мусича Тошкент Офицерлар уйи олдидаги чорраҳага ўрнатилган светофор чироғи ичига ин қурган. У светофорнинг дақиқалар сайин ўзгариб турадиган нурларида хотиржам ётиб бола очаяпти.

Шаҳримиз қучоғини кезганда она табиатни кузатсак, унинг ажойиб мўъжизаларини кўриб олам-олам завқ-шавқ оламиз, улар бизга руҳий озиқ, яхши дам беради.

Х. Мирзакаримов фотолари.

Физкультура ва спорт

ЎН БЕШИНЧИ МАРТА

Газетамизнинг ўтган сонида биз пионерлар дружиналарининг «Дўстлик» енгил атлетика тўрткураши бўйича республика мусобақаларида ғолиб чиққан 120-мактабнинг қизлар командаси ҳақида ҳикоя қилган эдик.

Бугунги қисқача ҳикоямиз 120-мактабнинг қизлари билан биргаликда Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган 43-мактабнинг ўғил болалар командаси ва унинг тренери ҳақидадир. Ёш енгил атлетикачиларни оқшомхонларга таништиришдан олдин команданинг тренери —Владимир Ильич Любаров ҳақида тўхталайлик.

Любаровлар оиласи уруш бошланмасдан илгари Первомайскдан Тошкентга кўчиб келди. Уруш бошлангандаёқ Володянинг отаси фронтга жўнади. 15 ёшли Любаров авиация заводига токарь шогирди бўлиб ишга кирди. Машъум уруш тугагандан сўнг унинг орзуси рўёбга чиқди: Володя Тошкент жисмоний тарбия техникумига ўқишга кирди. Техникумни тугатгач, 43-мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлади. Ўшандан буён у шу мактабда меҳнат қилиб келади. Ўтган давр мобайнида Владимир Ильич Любаров тўрт нафар халқаро классдаги СССР спорт мастери, 40 га яқин енгил атлетика бўйича СССР спорт мастерини тайёрлади.

Любаров етакчилигида ёш спортчилар ўн тўрт марта енгил атлетика бўйича «Дўстлик» енгил атлетика тўрткураши бўйича республика пионерлар дружиналари ўртасида ғолиб чиқди ва шунча марта Бутуниттифоқ турнирларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер, халқ маорифи аълочисининг шогирдлари бу йил ҳам кучлилар унвонини қўлга киритишди.

В. Любаровнинг шогирдлари юксак миқёсда ўтказилган мусобақаларда ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Унинг тарбияланувчиси В. Баллод-Лебединская Олимпиада ўйинлари иштирокчисидир. Шунингдек, С. Туманова, Г. Руденко, А. Шакарова, Р. Газаров, В. Кувшинов ва бошқалар Ўзбекистон терма командаси составида СССР халқлари спартакиадаси стартларида қатнашишган.

Енгил атлетика тўрткураши бўйича республика пионерлар дружиналари ўртасида бу сафар ғолиб чиққан болалардан ҳам Владимир Ильич Любаровнинг умиди катта. Тошкентда улардан олти нафари қатнашди. Бутуниттифоқ стартларида ҳам улар стартга чиқишади. Бу ёш енгил атлетикачилар кимлар?

«Пахтакор» Марказий спорт аренасида ўтган республика мусобақасида команда аъзоси Владимир Айрапетьянц юксак натижа кўрсатди. Ёш енгил атлетикачи нафақат ўз командаси сафида, балки енгил атлетика тўрткураши бўйича шахсий ҳисобда Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлди. У баландликка сакрашда энг яхши натижани қайд этди. 60 метр масофага югуришда иккинчи-учинчи ўринларни бўлашиб олди ва 800 метр масофага югуришда учинчи натижани кўрсатди.

Республика пионерлар дружиналарининг мусобақасида қатнашган 43-мактабнинг бошқа ўқувчилари ҳам командадошларидан ортда қолишмади. Жумладан, 800 метр масофага югуришда Эдик Ицков барча тенгдошларидан илгари марра чизиғини кесиб ўтди —2 минут 16,2 секунд. Шунингдек, Владимир Комаров ва унинг адаши Тринкин ҳам енгил атлетика кўпкурашининг бошқа турлари бўйича соврилли ўринларни эгаллашди. Серёжа Болонин ва Владимир Воронцовлар югуриш йўлкаларида, баландликка сакраш ва тўп улоқтириш секторларида ўзларининг барча имкониятларини кўрсатолмадилар.

Ёзги каникулнинг дастлабки ойида бўладиган масъулиятли мусобақаларга тайёрланиш учун ҳали вақт бор. Тўғри, айни пайтда синфдан-синфга кўчиш имтиҳонлари бошланди. Тажрибали тренер Владимир Ильич Любаров етакчилигида ёш енгил атлетикачилар имтиҳонларига ҳам, Бутуниттифоқ мусобақаларига ҳам жиддий тайёргарлик кўрадилар деган умиддамиз.

Г. МИХАЙЛОВ.

Суратларда: тренер В. И. Любаров; 43-мактабнинг енгил атлетика бўйича ўғил болалар командаси.

М. Нуриддинов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН XX СПАРТАКИАДАСИ

Мусобақалар хроникаси

ВЕЛОСПОРТ

Олмаотада велосипед пойгачиларининг Бутуниттифоқ мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекисттон вакиллари муваффақиятли қатнашишди. Жумладан, 50 километр масофага бўлган пойгада тошкентлик Николай Ильин ғалаба қозонди. Унинг командадоши Владимир Понасенко эса 100 километр масофага бўлган группа пойгасида маррага олтинчи бўлиб келди.

ШАШКА

Голландияда 12 мамлакат эркаклар командалари ўртасида биринчи марта халқаро шахмат олимпиадаси ўтказилмоқда. Дастлабки турда мамлакатимиз спортчилари АҚШ командаси билан учрашдилар ва 2,5 —0,5 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Иккинчи турда шашкачиларимиз Франция командаси билан учрашишди. Бунда ҳам мамлакатимиз терма командаси муваффақият қозонди — 3:0. Бу матчларда тошкентлик гроссмейстер Николай Мишчанский икки марта зафар қучди.

БАЙДАРКА ВА КАНОЭДА ЭШКАК ЭШИШ

Москвадаги Крилатск олимпия каналида ўтаётган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича СССР шахсий биринчилигида республикамиз вакиллари яхши натижа кўрсатмоқдалар. Чунончи, Тошкент Армия спорт клуби вакили халқаро классдаги СССР спорт мастери Гулнора Шарафутдинова Н. Корбукова билан биргаликда байдаркада эшкак эшиш бўйича мамлакат чемпиони бўлди. Шунингдек, СССР терма командаси аъзолари Татьяна Числова ва Эдем Муродосилов финал баҳсларида қатнашишди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Сочида ўтган Бутуниттифоқ мусобақасида ҳамшаҳримиз, халқаро классдаги СССР спорт мастери Родион Гатаулин ланг ғар чўпда баландликка сакраш бўйича катта ютуқни қўлга киритди. Ҳамюртимиз 5 метр 80 сантиметр баландликни забт этиб, Европа спортчилари ўртасида бу йилги мавсумнинг энг яхши натижасини кўрсатди. Ўйлаймизки, пахтакорчи Парнов томонидан ўрнатилган республика рекорди— 5 метр 81 сантиметр бу йил забт этилади.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —27/V да **Сўғд элининг қоплони**, 28/V да **Тўўмарис.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/V да **Парвона**, 28/V да **Кузнинг биринчи куни.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —28/V да **Мангулик.**

КИНО

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ IX ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ФИЛЬМЛАРИ

27 МАЙДА

ДАРЁДАН ЧИҚҚАН ФАРИШТА (Мексика), УРУШ ФАРЗАНДЛАРИ (Япония)— **Санъат саройи** (19.30), **Фестиваль** (21.30).

БАҲОР ҚУШИҒИ (Япония), ОРИНОКО (Мексика) — **Қозоғистон** (17, 18, 20.30, 21.20).

ЭНДИ ЁЛҒИЗ ЭМАСМАН (Ҳиндистон), БАРИБИР СЕНИИ СЕВАМАН (Аргентина)— **Лисунов номли** (17, 20.30).

МЕКСИКА АҚШГА ҚАРШИ (Мексика) СЕВГИ ВА ПИРАМИДАЛАР ((Миср), —**Дружба** (17, 18, 20.30, 21.00).

ХОНАНДА (2 серия, Ҳиндистон) —**М. Шайхзода номли** (17, 20.00).

ЁЛҒИЗ ҚИЗ (2 серия, Ҳиндистон) —**Москва** (19, 22.00)).

ГОНЗА (2 серия, Япония) —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (19, 22.00),

ЛАУЧИНИНГ УЙЛАНИШИ (Аргентина), КЎЗБОҒЛАШ ЎЙИНИ (Туркия)— **Нукус** (19, 22.00).

ШИКО (Бразилия), — **Ҳамза номли** (18, 21.00).

ДЕНГИЗ СОҲИЛИДАГИ МУҲАББАТ (2 серия, Ҳиндистон) —**Восток** (катта зал— 19, 22.00 да; кичик зал —15 ва 20.00 да).

КЕЧИР МЕНИ (2 серия, Ҳиндистон) — **Чайка** (19.30, 22.30),

ҚОПЛОНЛАР ДАВРИ (Мозамбик), ТАВАККАЛЧИНИНГ ЙЎЛИ (Туркия) — **Искра** (22.00).

ДАЙДИ ВА ОҚҚУШ (ҲХР), КОМИЛА (Аргентина) — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (20.30).

28 МАЙДА

МУҲАББАТ ИЗҲОРИ (Шри Ланка) —**Санъат саройи** (10, 30, 14.30, 19.30).

МУҲАББАТ ИЗҲОРИ (Шри Ланка) ДАХЛДОРЛИК (Аргентина) — **Фестиваль** (21.30).

ОЛДИНДА ЯНА КУЗ (2 серия, Ҳиндистон) —**Қозоғистон** (10, 11, 13.30, 14.30, 17, 18, 20.30, 21.20).

ҚУШЛАРНИНГ ҚАЙТИШИ (Вьетнам), ТАВАККАЛЧИЛИК ЙЎЛИ (Туркия)— **Лисунов номли** (10, 13.30, 17, 20.30).

ДЕНГИЗ СОҲИЛИДАГИ МУҲАББАТ (2 серия, Ҳиндистон) — **Дружба** (10, 11, 13.30, 14.30, 17, 18, 20.30, 21.00).

ГОРГОНА (2 серия, Миср), — **М. Шайхзода номли** (11, 14, 17, 20.00).

УЛАРНИНГ ТИММСОЛИДА (КХДР), ОРИНОКО (Мексика) — **Москва** (10, 13, 16, 19, 22.00).

ХОНАНДА (2 серия, Ҳиндистон) —**Тошкент Советининг 550 йиллиги номли** (10, 13, 16, 19, 22.00)

ОҒИР ЗАРБА (2 серия Ҳиндистон), — **Нукус** (10, 13, 16, 19, 22.00).

ҚАРОҚЧИЛАР УСТИДАН ҒАЛАБА (Мексика) КЎЗ БОҒЛАШ ЎЙИНИ (Туркия) — **Ҳамза номли** (11, 14.30, 18, 21.00).

ҚОПЛОНЛАР ДАВРИ (Мозамбик), БАРИБИР СЕНИ СЕВАМАН (Аргентина)— **Восток** ((катта зал —10, 13, 16, 19, 22.00; кичик зал —11, 14, 17, 22.00; каттта зал — 19, 22.00 да; кичик зал— 15 ва 20.00 да),

КЕЧИР МЕНИ (2 серия, Ҳиндистон) — **Чайка** (19.300, 22.30),

ҚОПЛОНЛАР ДАВРИ Мозамбик), ТАВАККАЛЧИЛИК ЙЎЛИ (Туркия) — **Искра** (20.000).

ДАЙДИ ВА ОҚҚУШ ((ХНР), КОМИЛА (Аргентина)— **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (20.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА Москва «МУЗ УСТИДАГИ ЦИРК» коллективларининг гастроллари (19.30).

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР»

ЭСЛАТАДИ!

Электрдан фойдаланганлик учун ўз вақтида ҳақ тўлаш ҳар бир кишининг бурчидир.

Фойдаланилган электри учун ҳар ойнинг 1—5 кунлари счет ёзиб, уларни беш кунлик муддат ичида Тошкент шаҳар меҳнат давлат омонат кассаларининг кирим омонат кассаларига тўлаш лозим.

Агар сиз электр учун ҳақ тўлашни унутиб қўйган бўлсангиз, уни тезда тўлашингизни маслаҳат берамиз.

ЁДДА ТУТИНГ: **ўз вақтида электр ҳақи тўланмаса электр билан таъминлаш тўхтатиб қўйилади.**

реклама эълонлар реклама

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

БАРЧА ҚАБУЛ ПУНКТИ— МАГАЗИНЛАРИДА

29 ВА 30 МАЙ КУНЛАРИ

А. БЕРКЕШИнинг «ПЕРСТЕНЬ С ПЕЧАТКОЙ» китобига 125 тадан (ҳар бир пунктда).

АБОНЕМЕНТ ТАРҚАТИЛАДИ

А. БЕРКЕШИнинг «ПЕРСТЕНЬ С ПЕЧАТКОЙ» китобига абонементлар фақат бир йўла камида 10 килограмм макулатура топширилгандан кейингина берилади.

Маркалар учун макулатуралар фақат абонемент кўрсатилган тақдирдагина қабул қилинади.

Абонементлар 29 ва 30 май кунлари соат 18.00 дан бошлаб тарқатилади.

Бошқа кунлари макулатуралар абонементларни маркалар комплектини тўлдириш учун, макулатура ва иккиламчи хом ашёларни ҳақ тўлаш шарти билан чекланмаган миқдорда қабул қилинади. 52—01 прейскурантига мувофиқ ҳар килограмм макулатура учун 2 тийин; ҳар килограмм — жун ва ярим жун латта-путталар учун 16 тийин; ҳар килограмм ип-газлама латта-путталари, каноп ва қоплар учун 6 тийин ҳақ тўланади.

Макулатуралар турлари бўйича газета, китоб-журнал, рўзғор картони ва ўраш қоғозлари тарзида фақат алоҳида дасталаб боғланган ҳолда, гражданлар қаерда яшаб турганлигидан қатъий назар навбатда туриш тартиби билан қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Макулатура ва иккиламчи тўқимачилик материалларини абонементлар олиш учун қабул пунктларига фаол равишда топшириш китоб савдоси тармоқларига зарур адабиётларнинг тезроқ келиб тушишига имконият яратади.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЧИЛОНЗОР РАЙОН АҲОЛИСИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА 8-КВАРТАЛ, ВОЛГОГРАД КЎЧАСИ, 2-УЙДА ЯНГИ 78-ҚАБУЛ ПУНКТИ МАГАЗИНИ ОЧИЛДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЙЁРЛАШ КОРХОНАСИ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ТЕХНИКУМИ
1986—1987 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумда қуйидаги ихтисослар бўйича техник мутахассислар тайёрланади.

КУНДУЗГИ БЎЛИМДА:

радиоаппаратсозлик ихтисоси бўйича 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун —ўқиш муддати 3 йилу 10 ой.

Микроэлектроника қурилмаларини ишлаб чиқариш ихтисоси бўйича 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 2 йилу 8 ой; 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун эса 3 йилу 10 ой.

Металларга қирқиб ишлов бериш ихтисоси бўйича 10-синф ҳажмида маълумотлилар учун — ўқиш муддати 3 йилу 6 ой.

КЕЧКИ БЎЛИМДА:

радиоаппаратсозлик ва микроэлектроника қурилмаларини ишлаб чиқариш ихтисослари бўйича 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун — ўқиш муддати 3 йилу 3 ой.

Металларга қирқиб ишлов бериш ихтисоси бўйича 10-синф ҳажмида маълумотлилар учун —ўқиш муддати 2 йилу 9 ой.

АРИЗАЛАР КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАРДАН 31 ИЮЛГАЧА, 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАРДАН 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КЕЧКИ БЎЛИМГА ҲУЖЖАТЛАР 15 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Техникум адреси: Чилонзор район, 20-квартал, Пограничная кўчаси 52-уй. 50, 78-автобусларнинг «Мевазор» маҳалласи, 6, 11, 19-троллейбуслар, 34-маршрут таксининг «20 квартал бекати).

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари

IX Халқаро кинофестивали фильмларининг

РЕПЕРТУАРИ

1986 ЙИЛ 30 МАЙГА ҚАДАР

САНЪАТ САРОЙИДА

27 майда—«Дарёдан чиққан фариштa» (Мексика); «Уруш фарзандлари» (Япония).

28 майда — «Муҳаббат изҳори» (Шри Ланка).

29 майда — «Яна бир топишмоқ», (2 серия Ҳиндистон);

30 майда — «Сатанг аёл кундалиги» (Япония).

Бошланади 10.30, 14.30, 19.30 да.

«ФЕСТИВАЛЬ» КИНОТЕАТРИДА

27 майда— «Дарёдан чиққан фариштa» (Мексика);

«Уруш фарзандлари» (Япония).

28 майда — «Муҳаббат изҳори» (Шри Ланка);

«Даҳлдорлик» (Аргентина).

29 майда — «Яна бир топишмоқ», (2 серия Ҳиндистон).

30 майда— «Таваккалчилик йўли» (Туркия);

«Сатанг аёл кундалиги» (Япония).

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

27 майда — «Баҳор қушиғи» (Япония);

«Ориноко» (Мексика).

28 майда— «Қайтиб кел, куз», 2 серия (Ҳиндистон).

29 майда — «Давид учун қаллиқ» (Куба);

«Алев» (Туркия).

30 майда — «Денгиз ҳақида баллада», 2 серия (Япония).

ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

27 майда —«Энди ёлғиз эмасман» (Ҳиндистон);

«Барибир сени севаман» (Аргентина).

28 майда — «Қушларнинг қайтиши» (Вьетнам);

«Таваккалчилик йўли (Туркия).

29 майда— «Қонҳўрлар Гаванада» (Куба);

«Сатанг аёл кундалиги» (Япония).

30 майда— «Расмий тахмин» (Аргентина);

«Алев» (Туркия).

«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

27 майда — «Мексика АҚШга қарши» (Мексика);

«Севги ва пирамидалар» (Миср).

28 майда — «Денгиз соҳилидаги муҳаббат», 2 серия (Ҳиндистон).

29 майда — «Уруш фарзандлари» (Япония);

«Рио қироли» (Бразилия).

30 майда —«Хонанда», 2 серия (Ҳиндистон).

Бошланади 10, 11, 13.30, 14.30, 17. 18, 20.30, 21.00.

М. ШАЙХЗОДА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

27 майда— «Хонанда», 2 серия (Ҳиндистон).

28 майда— «Горгона», 2 серия (Миср).

29 майда — «Токиога сафар» (Япония);

«Олтин бутси» (Мексика).

30 майда —«Ялқов», 2 серия (Ҳиндистон).

Бошланади 11, 14, 17, 20.00 да.

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА

27 майда — «Ёлғиз қиз», 2 серия (Ҳиндистон).

28 майда — «Уларнинг тимсолида» (КХДР).

«Ориноко» (Мексика).

29 майда — «Кечир мени», 2 серия (Ҳиндистон).

30 майда —«Барибир сени севаман» (Аргентина).

«Булутли кундаги қуёш» (Сурия;).

ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

27 майда— «Гонза», 2 серия (Япония);

28 майда— «Хонанда», 2 серия (Ҳиндистон).

29 майда — «Денгиз соҳилидаги муҳаббат», 2 серия (Ҳиндистон).

30 майда — «Етимча» (Миср);

«Жаннатмонанд ер» (Мексика).

«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА

27 майда— «Лаучининг уйланиши» (Аргентина);

«Кўз боғлаш ўйини» (Туркия).

28 майда —«Оғир зарба», 2 серия (Ҳиндистон).

29 майда — «Қайтиб кел, куз», 2 серия (Ҳиндистон).

30 майда — «Танго» (Аргентина).

«Ориноко» (Мексика).

ҲАМЗА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

27 майда —«Шико» (Бразилия);

«Бой ал Қодир» (Миср);

28 майда — «Қароқчилар устидан ғалаба» (Мексика);

«Кўз боғлаш ўйини» (Туркия).

29 майда — «Денгиз ҳақида баллада», 2 серия (Япония).

30 майда — «Ёлғиз қиз», 2 серия (Ҳиндистон).

«ВОСТОК» КИНОТЕАТРИДА

27 майда— «Денгиз соҳилидаги муҳаббат», 2 серия (Ҳиндистон).

28 майда— «Қоплонлар даври» (Мозамбик);

«Барибир сени севаман» (Аргентина).

29 майда — «Ялқов», 2 серия (Ҳиндистон).

30 майда —«Шико» (Бразилия);

«Комила» (Аргентина).

ЧАЙКА КИНОТЕАТРИДА

27 майда — «Кечир мени», 2 серия (Ҳиндистон).

28 майда — «Денгиз ҳақида баллада», 2 серия (Япония).

29 майда —«Ёлғиз қиз», 2 серия (Ҳиндистон).

30 майда— «Гонза», 2 серия (Япония).

«ИСКРА» КИНОТЕАТРИДА

(ретроспектива)

27 майда— «Қоплонлар даври» (Мозамбик);

«Таваккалчилик йўли» (Туркия).

28 майда — «Рақиб» (Ҳиндистон);

«Комила» (Аргентина).

29 майда— «Мерганлар» (СССР).

«Суд қарори». (Миср).

30 майда— «Оқ шаҳар» (Япония);

«Дарёдан чиққан фариштa». (Мексика).

ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

27 майда —«Дайди ва оққуш» (ХХР).

«Комила» (Аргентина).

28 майда — «Конҳўрлар Гаванада» (Куба);

«Сатанг аёл кундалиги» (Япония).

29 майда «Тобут ташийдиган машинани кутиб» (Аргентина).

«Кўз боғлаш ўйини (Туркия).

30 майда — «Горгона», 2 серия (Миср).

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро кинофестивали Бош дирекцияси репертуарга қисман тузатиш киритиш ҳуқуқига эга.

Халққа хизмат— олий ҳиммат

ГОҲИДА ПОЙАФЗАЛ ЁКИ СУМКАНГИЗНИ ШОШИЛИНЧ РЕМОНТ ҚИЛДИРИШ ЗАРУРАТИ ТУҒИЛИБ ҚОЛАДИ. БУНДАЙ ВАҚТДА МАИШИЙ ХИЗМАТ УСТАЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИ ҚИФОЯ.

Пойтахтимизда пойафзалларни ремонт қилувчи жуда кўп устаханалар ишлаб турибди. Яқинда шаҳарда яна бир нечта ремонт пунктлари пайдо бўлди.

МАНА УЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ:

919-УСТАХОНА — пойафзалларнинг катта ва кичик ҳажмдаги ремонти билан шуғулланади. Иш вақти— соат 8.00 дан 20.00 гача, Танаффуссиз ва дам олиш кунисиз ишлайди.

Адрес: Олмазор массиви (11-уй билан ёнма-ён).

17-УСТАХОНА — чарм-галантерея буюмларини ремонт қилади. Иш вақти — соат 11.00 дан 20.00 гача, танаффус — соат 14.00 дан 16.00 гача, дам олиш куни — чоршанба;

906-УСТАХОНА ПОЙАФЗАЛЛАРНИ КАТТА ВА КИЧИК ҲАЖМДА РЕМОНТ ҚИЛИБ БЕРАДИ. Иш вақти соат —8.00 дан 20.00 гача, танаффуссиз ва дам олиш кунисиз ишлайди. Адрес: Чилонзор массиви, 6-квартал, 11-уй, «Маиший хизмат уйи».

«ТАШГОРОБУВЬРЕМБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Тошкент шаҳри корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ПАССАЖИРЛАР АВТОТРАНСПОРТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

автобус, трамвай ва троллейбусларда қатнаш учун Тошкент шаҳри ташкилотларига

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 17.30 гача

ягона талонлар ва ойлик транспортда юриш билетларини

СОТАДИ

Транспортда юриш билетларини сотиб олиш учун Давлат банкининг Ленин район бўлимидаги 000425412 рақамли расчёт счетига олдиндан пул ўтказиш зарур.

«Главташпассавтотранс» сизларга абонемент ва ойлик транспортда юриш билетларини ўз вақтида харид қилиш лозимлигини эслатиб ўтади.

Справкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 31-уй. Телефон 56-70-18.

Давлат страхованиесининг Чилонзор район страхование инспекциясига тегишли 25 формадаги 1916589—600 номерлардаги йўқолган

КВИТАНЦИЯЛАР
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Собир Раҳимов райпишчеторгининг йўқолган

«ЭКСПЕДИТОР № 9»
ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:
700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55-37, 32-53-83; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 333-28-95, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42; 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р— 18767. Газета бир йилда 300 марта чиқади. Тираж 52. 141. Р— 12774. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.